

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

Инглиз тили ва адабиёти кафедраси

**Ражабова Севара**

**“Инглиз тили дарсларида ёзма нутқни интеграллашган  
холда ўргатиш”**

5220100 - инглиз (француз, немис, рус)

Инглиз тилшунослиги буйича бакалавр даражасини олиш учун

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Мутахассис чиқарувчи

кафедра:

Инглиз тили ва адабиёти

Илмий раҳбар:

Нусратова Г.

Бухоро - 2018

## **МУНДАРИЖА**

### **Кириш**

#### **1-боб. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЁЗМА НУТҚНИ ЎСТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.**

1.1. Ёзув – нутқ фаолиятининг тури сифатида

1.2. Ўқувчиларга инглиз тилида фикрлашни ёзма ифода қилишга ўргатиш ва уни назорат қилиш усуллари.

1.3. Мактабда болаларни чет тилини ўрганишга қизиқтириш ва ёзма нутқни устириш.

#### **II боб. ИНГЛИЗ ТИЛИ ЁЗМА НУТҚИНИ ЎСТИРИШ УСУЛЛАРИ.**

2.1. Инглиз тилини ўргатиш билан боғлиқ фонетик ёзувлар қиёсий – типологияси: унли фонемаларнинг қиёсий – таҳлили.

2.2. Инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзларда фонетик ўзгаришлар ва уларнинг ёзувдаги ифодаси.

2.3. Инглиз ва ўзбек тилларида «бош» лексикаси иштироқидаги фраземаларни ўргатиш орқали ёзма нутқни ўстириш.

2.4. Ёзма нутқни ўстиришда анимативлик лексикасининг баъзи хусусиятларини ўргатиш муаммоларига доир мулоҳазалар.

### **ХУЛОСА**

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## Кириш

**Битирув малакавий ишнинг долзарблиги.** Республикамиз мустақилликка эришган кундан бошлаб халқ таълими соҳасида хорижий тилларни ўргатишга муносабат ижобий томонга кескин ўзгарди. Ёшларнинг тил ўрганишга қизиқишлари тобора кучайди. Хорижий давлатлар билан ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маданий муносабатлар воситачиси сифатида инглиз тилига бўлган эътибор кундан – кунга ривож топди.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисидаги қонун»и, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»и, «Давлат таълим стандартлари»да ўз ифодасини топган хорижий тилларни ўрганиш зарурияти жадал суръатда эҳтиёжга айлантирилди.

Дарҳақиқат, тил билиш, Аваз Ўтар таъбири билан айтганда, «робитаи оламиёндин». «Тил билган эл билади», «Яна бир тил – яна бир дил» деган ҳикматли сўзлар ҳам халқимиз орасида бежиз айтилмайди.

Бироқ тил ўрганиш шунчаки қизиқиш ёки ҳавас эмас. Унинг ўзига хос қийинчиликлари ва машаққатлари бор.

Шуларнинг энг асосийси, ёзма нутқда билинади. Ўқувчи – талабаларининг ёзма нутқини ўстириш, билим, малака ва куникмаларини комил инсон даражасида шакллантиришдек маъсулиятли ишга бош қўшиш биз бўлажак ёш ўқитувчиларнинг маъсулиятли бурчимиздир. Шу маъсулиятли вазифани беками-кўст амалга ошириш мақсадида мазкур малакавий битирув иши мавзусини танлаб, педагогик маҳоратимизни шакллантириш учун дастлабки изланишга қўл уришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва шу йўналишда уриниб кўрдик.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши. Иш 2 боб, ҳар бир бобнинг таркибий бўлимлари ва бандларида ҳамда фойдаланилган

адабиётлар рўйхатида ўз ифодасини топган. Шунингдек, малакавий битирув иши мавзусининг хулосалари ҳар бир банд охирида берилишини лозим топдик.

Инглиз тилида ёзиш нутқининг ўргатиш методларининг диққатини жалб этиб келган масаладир. Жумладан инглиз тили ўқитиш методикаси тарихида бу соҳани ўрганиш бўйича қатор битирув малакавий ишлар қилишган ва қилинмоқда. Айниқса профессор Жалолов «Чет тили ўқитиш методика» китобида (Тошкент 1996 й.) таълим жараёнида ёзиш нутқини ўргатишга алоҳида аҳамият берган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ошиб бораётганлигини бу соҳадаги илмий – методик изланишлар тобора кўпайиб бораётганлигини мавзунинг янада долзарблигидан дарак беради.

Ўрта мактабда таълим жараёнида нутқ фаолияти турларини: тинглаб тушуниш, гапириш, ёзиш ва эшитишга эътибор қаратилади.

Ўқитувчи тинглаб тушунган материални ёки ўқилган матнни ҳам гапириб бериш, ҳам ёзма баён эта олиши талаб этилади. Шу боисдан ўқувчиларнинг ёзма нутқига эътибор бериш, таълимнинг бошланғич этапидан то кейинги босқичларига унга алоҳида диққат қилиш давр талаби.

**Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари.** Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади ўрта умумтаълим мактабида таълим жараёнида ўқувчиларга ёзма нутқни ўргатиш, унинг аҳамияти, ёзиш нутқини ўргатишнинг усулларидан кенг фойдаланишни тарғиб қилишдир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажаришни лозим топдик.

- мавзуга оид барча илмий–методик адабиётларни ўрганиб чиқиш ва улардан ишда унумли ижодий фойдаланиш;

- нутқ фаолияти турлари билан боғлиқ бўлган илмий-методик ишлар билан яқиндан танишиш;

- Мактаб амалиёти давридаги тажрибаларни умумлаштириш, тегишли хулосалар билан уларни ишда ёритиш;

- Ёзма нутқнинг аҳамияти, ўқувчиларнинг уқиш, ёзиш, билув фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларга ижодий ёндашиш;

- Ўқувчиларга ёзма нутқни ўрганишнинг турли усулларини ўрганиб, уларни тадбиқ этиш йўллари кўрсатиб бериш;

**Битирув малакавий ишнинг методологик асослари**

Инглиз тили методикасида мавзуга оид илгари сурилган ғояларига таянади.

Битирув малакавий ишнингда ёзма нутқ билан боғлиқ бўлган асарлар ўрганилиб, уларни таълим жараёнида қўллаш усуллари кўрсатилади.

**Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти.** Маълумки, нутқ турлари тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш бир–бири билан узвий боғлиқдир.

Ишда ёзма нутқ билан боғлиқ бўлган кўпгина материаллар келтирилган. Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, ундан инглиз тили мутахассислиги бакалавр йўналишида таҳсил олаётган талабалар, курс иши ва битирув малакавий ишлар ҳамда методик мақола ва қўлланмалар ёзишда кенг фойдаланишлари мумкин.

**Битирув малакавий ишнинг таркиби.** Малакавий битирув иши кириш, 2 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

# **I боб. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЁЗМА НУТҚНИ ЎСТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

## **1.1. Ёзув-нутқ фаолиятнинг тури сифатида**

Замонавий чет тилларини ўқитиш методикаси «ёзув» ва «ёзма нутқ» тушунчалари фарқланади. Бундай фарқланиш ёзув механизмнинг ўзига хос хусусиятларига асосланади. Машҳур психолог Н.Н.Хинкиннинг гувоҳлик беришига ёзув механизми икки босқичдан иборат:

1. Ҳарфлардан сўз ясаш;
2. Сўз ва сўз бирикмаларидан ёзма ахборотлар тизимидан ташкил топган бўлар экан.

Маълумки, ёзув механизми биринчи босқичи асосида малака даражасига етказилиши керак бўлган ёзув ва имлони эгаллаш, иккинчи босқич заминида эса фикрларини маълум ёзув коди асосида ва ёрдамида ифодалаш, яъни, нутқ кўникмасини эгаллаш ётади. Юқоридаги тушунтиришдан ёзма нутқ ёзув ва имло малакаларининг зарур ташкилий қисми сифатида ўз ичига олувчи нутқдир, деган хулосага келишимиз мумкин.

Ёзма нутқ фаолиятининг ўзига хос тури бўлиб, у маълумотни алоқанинг ёзув орқали кодлашдан иборатдир.

Ёзув таълим мақсади ва воситаси сифатида. Ўрта мактаб учун чет тиллари бўйича нашр қилинган деярли барча дастурларда ёзув ва ёзма нутқ мақсад сифатида эмас, балки таълим воситаси сифатида белгиланган. Фақат 60-йилларда чиқарилган ўқув дастурдагина таълим мақсади сифатида анча камтарона талаб – ўқувчиларда чет эллик ва хорижлик дўстларига хат ёза олиш кўникмасини шакллантириш вазифаси қўйилган эди.


1. Таълимнинг бошланғич босқичидаги асосий вазифа ёзувни ўрганишдан иборат, чунки бу даврда ҳуснихат кўникмалари ҳамда товуш-ҳарф мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган кўникмалар таркиб топади. Бу кўникмалар ўқиш ва ёзма нутқнинг шаклланиши учун зарур шарт-шароитдир.

2. Ўқитишнинг ўрта босқичида ёзув устида олиб бориладиган иш янги тил материалининг тўпланиши билан боғлиқ имло устидаги ишга кўчирилади. Шу билан бирга ёзма нутқ кўникмаларини шаклланишига имкон берувчи восита сифатида ривожлантирилади.

3. Ниҳоят, таълимнинг юқори босқичида илгари эгаллаган ёзма нутқ кўникмалари оғзаки нутқнинг ҳам ривожланиши билан такомиллашиб боради. Янги тил материали билан боғлиқ ҳолда имло устида ишлаш ҳам давом эттирилади.

Бундан ташқари, ёзма нутқ яна бир муҳим ролни ўйнайди у ўқувчиларнинг тил устида мутақил иш олиб боришида, хусусан ўқилган матнлар юзасидан аннотациялар ёзиш ва режалар тузишда ёрдамчи воситага айланади.

Ёзувни ўргатиш мазмунини қуйидаги жадвалдан кўриб чиқиш мумкин.



Кўпинча ёзма нутқ тор маънода фикрни ёзма баён қилиш деб тушунилади. Аслида эса шундай эмас. Ёзма нутқ ўқитиш ва ёзув каби нутқ фаолиятларининг турларидан иборатдир [ 1, 51].

Психологларнинг кўрсатишича, ҳар қандай тилда ахборотни ёзма равишда кодлаш анча қийин фаолият саналади. Ёзма ахборотни ҳосил қилишда ёзув механизми, биринчидан, овозли ахборотни шакллантиришдаги элементлардан, иккинчидан, эса товуш кодини ёзув кодига айлантиришдан иборатдир.

Бу жараёндаги биринчи элемент турли хил ва мураккаб фаолият ҳисобланади, у ёзиладиган гапнинг грамматик-семантик томонларини дастурлаштиришни, гапни грамматик жиҳатдан реаллаштириш ва сўзларни танлашни; айтиладиган ёки ёзиладиган гап компонентларини фонетик жиҳатдан дастурлаштириш, товушларни танлашни ва гапни тайёр ҳолда ҳосил қилиб чиқаришни ўз ичига олади.

Бу фаолият ёзувда фикрларни баён қилишда овозли ахборот элементларининг ассоцияланиш билан тўлдирилади. Агар биз матндаги кўчириш ва тинглаб идрок қилганимизни ёзиш билан машғул бўлсак, унда ахборотни ҳосил қилиш эмас, балки уни тинглаб тушуниш ёки ўқиш ёрдамида қабул қилинган нутқ маҳсулини билиб олиш биринчи даражали элемент бўлади.

Шундай қилиб, ёзма нутқдан муомалада фойдаланишнинг барча ҳолларида икки босқични кўрсатиш мумкин:

1. Кодлаш ёки кодни очиш, бунинг натижасида товуш кодида огоҳлантириш содир бўлади;

2. График код ёрдамида кодлаш.

---

1. Ж.Жалолов. «Чет тили Ўқитиш методикаси», Тошкент 1996, 46-47 бетлар



Огоҳлантириш жараёнидаги ички гапириш ёзма ахборотнинг мураккаблиги ва одам томонидан у ёки бу тилни ўзлаштирилганлигига қараб турлича бўлиши мумкин.

Ёзма ахборотларни шакллантириш жараёнида амалга ошириладиган фаолиятнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ёзма нутқ ҳамма вақт иккиламчи кодлаш характерига эга. Бу фикр нутқ фаолиятининг ана шу тури бўйича олиб борилган кўп битирув малакавий ишларда баён қилинади. Бироқ баъзи муаллифлар график код маълум мустақилликка эга ва уни товуш кодига нисбатан иккиламчи нарса сифатида тушуниш мумкин эмаслигини кўрсатиб ўтади.

Жумладан, чет тилидаги ички нутқда рўй берадиган огоҳлантириш Э.П.Шубиннинг фикрича, ёзма нутқни амалга ошириш зарур шarti эмас, балки у она тилида вужудга келган одатдир, ҳолос. Бу фикр унчалик тўғри бўлмаса керак, чунки психологлар М.А.Зимняя, А.А.Леонтьев ва бошқаларнинг уқтиришича, киши қайси тилда сўзлашмасин, нутқ ҳосил қилувчи аппарат ягонадир.

Ёзма нутқ шаклланишининг икки босқич, шунингдек фикрни ёзма равишда баён қилишда огзаки кайтариш ёзувчининг огзаки нутқ ва ўқиш билан боғлиқлигини исботлайди ва уни чет тили ўқитишдаги муҳим воситага айлантиради.

Ёзув техникасини ўргатиш йўллари. Ёзув техникаси ҳарф ва бирикмаларнинг тўғри ёзилиш, ҳуснихат ва имлони ўргатилишни ўз ичига олади.

Маълумки, графика ва ҳуснихатни ўргатиш таълимнинг бошланғич ва ўрта босқичларида, орфографияни ўргатиш таълим эса актив лексика бойлигини тўплаш даври давомида олиб борилади. Ҳарф ва ҳарф бирикмаларини ёзишни ўргатиш ўз

навбатида иккига: товуш ва ҳарф мувофиклигини ва ҳар бир қарорнинг турли вазифалари ўртасидаги бошланишларини ўргатиш вазифаларига бўлинади. Кўрсатиб ўтилган вазифаларнинг биринчи ўқиш техникасини ўргатиш билан узвий боғлиқдир, чунки ўқиш техникаси ҳам, ёзув техникаси ҳам аниқ боғланишга асосланади. Улар ўртасидаги тафовут фақат ҳаракатларнинг йўналишида ўз ифодасини топади.

Масалан, ўқиш техникасини ўргатишда кодларни очиш ҳаракатлари ёзув белгиларнинг муайян товушлар билан мос келишига боғлиқдир. Ёзув техникасини ўргатишда эса ана шу боғланиш тескари йўналишда намоён бўлади.

Ёзув техникаси ўргатишда ўқитувчи ҳарф ва ҳарф бирикмаларининг ёзилиш қоидаларини тушунтиради, ёзув тахтасида кўрсатади, ёздиреди ва ўқиб беради. Сўнг ўқувчилар шу ҳарфлар иштирокида сўзларни ўзлари мустақил ўқийдилар.

Товуш-ҳарф муносабатини ўргатишда товушни идрок этиш-кўриш, тасаввури ва ундан сунг ёзув ҳаракати содир бўлади. Бунга ўргатишда оддий ва кам сонли машқларининг ўзи етарлидир. Машқлар ўқувчиларда оширишга асосланади, ҳарфларнинг полисемияси ва омонимикасини ўрганишда қўшимча машқлар ўтказиш ва уларни умумий миқдорини кўпайтириш зарур.

Ҳуснихатни ўргатишда она тилида ўзлаштирилган кўникмаларга суянилади. Демак, ҳуснихатни ўргатишда она тилидаги шаклланган кўникмаларда ижобий кўчириш бўлишлигининг гувоҳи бўламиз.

Ёзув техникасини ўргатишда энг мураккаб нарса имлони ўзлаштиришдир. Бунга сабаб инглиз тилида имлонинг тарихий принципига асосланганлигидир. Имлони онгли равишда ўрганишда албатта, қоидалардан фойдаланилади. Ёзув техникаси ва имло

кўникмаларини шакллантиришда диктантлардан кенг фойдаланилади. Уларнинг энг кўп тарқалган тури эшитиб ёзиладиган диктантдир. Диктант матннинг мазмуни ўқувчилар учун қийин бўлмаслиги керак.

Диктантни ўтказишда аввал матнни бутун ҳолда ўқиб берилади, кейин у гапма-гап ўқилади, гаплар бир мартадан айтилади. Ишни бутунлай ташкил қилиш ўқувчилар диққатини бир жойга тўплашни таъминлайди ва қайта кодлашни, яъни товуш кодини ёзув кодига айлантиришга машқ қилиш имконини беради.

## **1.2. Ўқувчиларга инглиз тилида фикрни ёзма ифода қилишга ўргатиш ва уни назорат қилиш усуллари**

Ўқувчилар ўз фикрларини ўз сўзлари билан баён қилиш куникмасини эгаллаб олишларида ёзма шаклдаги фаолиятнинг баён, тасвирлаш, ҳикоя қилиш, иншо, хат ёзиш, реферат ва аннотация тузиш каби турларидан фойдаланиш мумкин.

Баён ёзиш учун синфда ўқитувчи раҳбарлигида маълум тайёргарлик ишларини олиб бориш зарур. Ўқувчилар билан биргаликда эшитаётган ёки ўқиб чиқилган матнларда моделлар танлаб олиш, матнни маънодор қисмларга бўлиб чиқиш, унинг асосий мазмунини аниқлаш лозим. Синфда мана шундай тайёргарлик ишлари олиб борилган, баён ёзиб келишни уйга вазифа қилиб бериш мумкин.

Ўқувчиларга фикрни ёзма равишда баён қилишни ўргатишда иншо муҳим аҳамият касб этади. Иншо, тўла маънода, бирор матн муҳокама қилишдан иборатдир. Лекин бундай ишни амалга ошириш ҳар бир ўқувчининг қўлидан келавермайди. Шу сабабли республикамиз умумтаълим мактабларида инглиз тилида росмана иншо ёзиш анча қийин иш ҳисобланади: фикрни ёзма ифодалаш билан боғлиқ бўлган ҳикоя ёки тасвирланишни шартли равишда иншо деб аташ тўғридир. Ёзма нутқни шакллантиришда машқларнинг баён, тасвирлаш, ҳикоя қилиш, иншо ёзиш, хат ёзиш каби турларидан кенг фойдаланиш мумкин.

Чет тиллар ўқитиш методикасида ёзма нутқ ва ёзув малака кўникмаларини назорат қилишга етарли даражада аҳамият берилади. Ёзма нутқнинг назорат қилишни асосий объекти ёзма нутқ малака ва кўникмалари деб қаралади. Бу нарса график ва имло малакалари назорат қилинмайди деган маънони билдирмайди. Ёзув ва имло малакалари қандай даражада

шаклланганлигини текширишда тинглаб диктант ёзишдаги фойдаланиш мумкин. Бундай диктантларнинг вазифаси ўқувчиларнинг товушли нутқини ёзма нутқга айлантириш малакасини текширишдан иборатдир.

Ўқитувчи ёзилган диктантни келгуси дарсгача текшириб чиқиш, ўқувчилар йўл қўйган ўхшаш хатоларни таҳлил қилиши лозим.

Ёзма нутқ кўникмаларини текшириш пайтида тасвирлаш, ҳикоя қилиш, иншолар ва шунингдек, чет эллик ва хорижлик тенгқурларга хат ёзиш текширув топширигини сифатида қўлланиши мумкин [1, 49].

**А) Ёзувда учрайдиган хатоларни тўғрилаш ва баҳо меъёрлари.** Ҳозирги замон чет тиллар ўқитиш методикаси ўқувчилар ёзма нутқидаги хатосини тушуниб олган ва муайян ишни хатосиз бажара олган пайтдагина хатолар такрорланишининг олдини олиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Кўпгина чет эл ва хорижлик методистлар ўқувчилар онгида хатолар ўрнашиб қолмаслиги учун улар хатолар қилмаслиги ва хатони кўрмаслиги керак деган назарияга асосланиб, ўқувчилар йўл қўйган хатоларни тўғрилашни таклиф қилдилар. Ёзма ишларни текширишда ўқувчилар ўз хатоларни аниқ кўришлари ва онгли равишда тузатиш учун хатоларнинг тагига чизиб қўйиш, дафтар хошиясига уларнинг қандай хатолар эканини ифодаловчи (gr, lex каби) белгилар куйиг таклиф қилинади. Хатолар устида ишлаш уларнинг характериға боғлиқдир. Масалан, имло ва график хатоға йул куйган ўқувчидан хато ёзилган сўзни бир неча марта ёзиш талаб қилинади.

---

1. Н.С.Цетлин «Ўрта мактабда чет тили ўқитиш курси», Тошкент 1978 й., 49-бет.

Грамматик ва лексик хатолар устида ишлашда ўқувчиларга бу ходисани гапда тўғри ишлатишлари тушунтирилади. Энди баҳо меъёрлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Илгари ёзма ишларни ташкил қилишда фақат нутқнинг тўғрилиги ҳисобга олинган. Ҳозирги вақтда ёзма баён қилишни текширишда ёзма ахборотлар ҳажмини ҳам ҳисобга олиш зарур.

**В) Ёзувни ўргатишда қўлланиладиган машқлар.** Инглиз тилида ёзувни ўзлаштиришда тил ёки тайёрлов нутқ машқлари ва нутқ машқлари қўлланилади. Ҳарфлар, ҳарф бирикмалари ва сўзлар ва сўз бирикмаларининг тўғри ёзилишини, сўзлардан жумлалар тузиш, матн устида ишлаганда эса уни қисқартириш, режа тузиб ёзишни ўргатадиган машқлар тил ёки тайёрлов машқлари дейилади.

Фикрни ёзма баён қилишга ўргатадиган машқлар нутқ машқлари ҳисобланади. Бундай машқларга баён, иншо ва чет эллик дўстига ҳам, хат ёзишни, аннотация тузиб ёзишни киритиш мумкин.

### **1.3. Мактабда болаларни чет тилини ўрганишга қизиқтириш ва ёзма нутқини ўстириш**

Ҳар томонлама маънавий-ахлоқий тарбияланган жамиятда турмушга мослашган, таълим ва тарбия, касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик шароитларни ярата оладиган жамият, давлат, оила, Ватан олдида ўз маъсулиятини ҳис эта оладиган фарзандларни тарбиялаш миллий истиқлол шароити ва талабидан келиб чиққан заруратдир.

Зеро, Республикамиз биринчи президенти И.А.Каримов орзу қилгани каби ёшларни тарбиялашда хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишларни ўстириш, уларнинг иқтидорларини тўла ривожлантириш муҳим тарбиявий аҳамиятга моликдир.

Бу каби маъсулиятли вазифани амалга оширишда оила ва оилада олиб бориладиган тарбиявий ишлар муҳим рол ўйнайди;

Чунончи «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим олишда, шунингдек, болалар ва ёшларни маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, оналар, жамоат ташкилотлари мақомлари, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш лозимлиги қайд этилган бўлса, таълим ҳақидаги қонунда бутун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир.

«Шунга алоҳида урғу беришимиз зарурки, чет тилини ўрганиш минбаъд она тилини эсдан чиқариш ҳисобга бўлмаслиги лозим», - деган эди биринчи президентимиз И.А.Каримов ўзининг

«Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли асарида.

Кўпчилик оилаларда ота-оналар, агар боламга бирор-бир хорижий тилни ўргатсам, унинг ўрганишга маъанвий шароит яратсам, оилада психологик шароитни яхшилашга ҳаракат қилсам, албатта келажакда «менинг болам хорижга чиқа олади, у ерда ўқийди, дунё кўради, ўз келажagini таъминлайди» деган тушунчалар билан мазкур масалага ижобий қарашмоқдалар.

Республикамиз президенти ва ҳукуратимиз ҳам мазкур муаммога алоҳида эътибор билан қараб, иқтидорли болаларни «Умид», «Устоз», «Улуғбек», «Камолот» жамғармалари орқали хорижга ўқишга юбориш масаласини кенг йўлга қўйган. У ерда бизнинг фарзандларимиз оилаларда яшайдилар. Уларнинг урф-одатларин, турмуш тарзи, маданияти, анъаналари билан танишади.

Энг муҳими, улар муттасил жонли тилни эшитиб, муомала қилиб боришлари учун имконият мавжуд[1, 120].

Шунингдек, Ўзбекистон ёшларига хорижий тилларни ўргатиш мақсадида «Аксельс», «Тинчлик корпуси» ва бошқа ташкилотлар ҳам ўзларининг методик ёрдамларини кўрсатиб келишмоқда.

Албатта, оилаларда ўз болаларини чет тили ўрганишга қизиқишни устиришда ота-оналар олдида қатор вазифаларни бажариш туради.

Назаримда ҳар бир ота-она, энг аввало қуйидагиларга аҳамият бермоғи керак деб ўйлаймиз.

- боланинг қизиқиши, ёши ва унинг билим доираси, қайси тилга мойиллигини аниқлаб олиш; - танлаган тилни ўрганишга оид адабиётлар билан таъминлаш;

- имконият кўтарса, мутахассис маслаҳатини ташкил этиш;

---

1. «Давлат таълим стандарти» Махсус 5-сон, 120-бет.



- оила даврасида ривожланган мамлакатлар ҳаёти, иқтисоди ва жамиятнинг ривожланишида хорижий тилни билишнинг аҳамияти ҳақида эркин суҳбатлар ташкил этиш, бу борада болаларнинг фикрини ҳам ўрганиш;

- оилада кундалик тартиб режим бўлиши, унга қатъий амал қилиш;

- оилада ота-она томонидан болаларни назорат қилиш;

- оила, мактаб, маҳалла ўртасидаги ҳамкорлик масалалари ҳам ота-оналарнинг диққат марказида туриши.

Умуман бугунги кунда республикамиз ривожланган мамлакатлар қаторидан ўзининг муносиб ўрнини топишда болаларимизни хорижий тилларни ўрганишга қизиқтириш муҳим ва долзарбдир.

Инглиз тили дарсларида ўйин машқларидан фойдаланиш ва ёзма нутқни ўстириш. Ўзбек ўқувчиларини чет тилига ўргатишда уларга ўқиш, ёзиш, сўзлаш ва тинглаш каби кўникмаларни шакллантириш билан бирга сўзнинг турли маъноларини тушунтириш орқали ўрганилаётган тилнинг жозибадорлигини кўрсатиб ўқувчиларга унга қизиқиш уйғотиш мумкин. Бу мақсадда дарс давомида турли дарс давомида турли грамматик ўйинлардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Ушбу мақолада тажрибада қўлланилиб келаётган ўйинлардан айримларининг тавсилоти хавола этилган.

### **«Animal Habits»**

Бу ўйин феълнинг Present Indefinite Tense замонини мустаҳкамлашда қўлланилади.

Ўқитувчи ёзув тахтасига бир ҳайвоннинг, масалан, қуённинг номини ёзадию ўқувчилар қуёнга хос бўлган хусусиятларни бирма-бир айтадилар.

Rabbit

It lives in a hole

It eats plants

It has a lot of babies

It runs very fast

It likes carrot and cabbage.

Ҳар бир тўғри жавобга бир очко берилади. Шундан сўнг бошқа ҳайвоннинг номи ёзилади ва ўйин қайтарилади.

Ўйинда энг кўп очко тўплаган қатор ўқувчилари ғолиб бўладилар. Бу ўйинни бошқача ҳам ўтказиш мумкин; ўқувчилар номи тилга олинган ҳайвонга хос бўлган ҳаракатларни санаб чиқишади.

Масалан: Ўқитувчи: a frog

Ўқитувчи: a bird

Ўқитувчи: a frog jumps

Ўқитувчи: a bird flies

Ўқитувчи: a crocodile

Ўқитувчи: a rabbit

Ўқувчи: a crocodile swims

Ўқувчи: a rabbit runs [1, 161].

Ўқитувчи ўқувчидан ҳар куни ҳафтада, ойда, йилда бир марта қилинадиган ишнинг номини айтишни илтимос қилади. Ўқувчи ўз жавобида нафақат ўзи, балки ота-онаси, дўстлари, қариндош-уруғлари ҳам бир марта бажариладиган ишлари номини айтади. Бу ўйин «Something special» деб номланиб, бошқача ўтказилиши ҳам мумкин, яъни ўқувчилар, одатлари, ишлари, билимлари ҳақида бирор бир қизиқ воқеа топадилар.

---

1. Ў.Ҳ.Ҳошимов, И.Я.Ёқубов «Инглиз тили ўқитиш методикаси» 161 бет.

Масалан:

I go bird watching every weekend.

I like singing national songs.

I collect Japanese postcards.

I painted by water color

Бу ўйинда ҳам яхши жавоб берган ўқувчилар голиб бўлади.

### **«Wrong proverb»**

Бунда ўқитувчи ўқувчилар Present Indefinite Tense замонидagi феъллар ишлатилган мақоллар ичидан нотўғриси топиб, бу мақол нима учун нотўғрлигини тушунтиришлари керак.

### **«Telepathy»**

Бу ўйин Present Indefinite Tense феъл замонини мустаҳкамлашда қўлланади. Бунда ўқувчиларнинг бир қисмига турли ҳаракатлар тасвирланган карточкалар кўрсатилади, ўқувчилардан иккинчи эса саволлар орқали уч имкониятдан фойдаланиб, тасвирланган ҳаракатнинг номини топадилар.

Масалан: Is he swimming?

Is he cooking dinner?

Is he crossing the street?

Агар ўқувчи уч имкониятдан ҳам топшириқни бажара олмаса, унга штраф очко берилади. Ўйинда энг кўп штраф очко олган ўқувчи ютқазади.

### **«Temporary and Permanent»**

Бу ўйин феъл замонларини бир-биридан фарқлашга ўргатишда қўл келади. Ўйинда ўқувчилар ҳозирги замонда ёки умуман ҳар доим қандай ҳаракатлар қилишларини сўзлаб беришлари керак.

Масалан:

At the moment I speak English, but most of time I speak Uzbek. I am reading a historical novel now, but usually I prefer science fiction. I am eating, eat now, but I always eat vegetables.

Бехато жавоб берган ўқувчи ўйинда ютиб чиқади.

### «Finding twins»

Бу ўйинда ўқитувчи стол устига 2 тадан бир хил расм, масалан, ит расми тасвирланган карточкаларни ёйиб қўяди. Бунда итлар тасвири турлича бўлиши керак: бир жуфт карточкада катта қора ит, икки жуфт карточкада кичик оқ ит тасвири ва ҳоказо.

Ҳар бир ўқувчи ўзига карточка танлаб олади ва саволлар орқали яна қайси ўқувчида шундай карточка бор эканлигини аниқлайди.

Нотўғри савол берганлиги ёки савол бера олмагани учун шеригини топа олмаган ўқувчига штраф очко берилади. Кўп штраф очко олган ўқувчи ўйинда мағлубиятга учрайди.

Карточкаларни яна бошқа ўйинда ҳам қўллаш мумкин. Масалан, ўқитувчи карточкада тасвирланган бирор бир предметнинг номини айтади. Ўқувчилар эса бу предметнинг турли белгиларини топадилар: a man, a tall man, a fat man, a happy man, a clever man, a strong man etc. Энг кўп белгини тўғри айтган ўқувчи ўйинда ғолиб чиқади.

8-9 синфларда бу ўйинни қуйидагича шу синфга мос матн танлайди ва ундаги предметнинг белгиларини тушириб ўқийди. Матнни ўқиш давомида ўқитувчи белгиси топиши керак бўлган предметнинг номини ўқиб биров сукут сақлаб туради. Шу пайт ўқитувчилар бу предметнинг белгиларини тез-тез топишлари лозим. Энг кўп белгини тўғри айтган ўқувчи ўйин сўнгида ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ўйинлар машқ сифатида инглиз методикаси Пенни Урр томонидан тавсия қилинган.

Муаллим бу ўйинларни синф ўқувчиларининг билим даражаси ва дарс мақсадига мослаб ўзгартириши мумкин.

## **II 606. ЎҚУВЧИЛАР ЁЗМА НУТҚИНИ ЎСТИРИШ УСУЛЛАРИ**

### **2.1. Инглиз тилини ўргатиш масалалари билан боғлиқ фонетик ёзувлар қиёсий типологияси: Унли фонемаларнинг қиёсий таҳлили**

Унли товушлар талаффузининг жуда ўзгарувчан эканлиги туфайли уларни турли қариндош ва ноқариндош тилларда қиёслаш анча мураккабдир. Жаҳон тилларида учтадан қирқ тўрттагача унли фонемалар бўлиб, улардан асосийлари 6 та фонема (i,e,a,o,u) ҳисобланади. Ўзбек тилида ана шу универсал унли фонемаларнинг барчаси мавжуд бўлишидан ташқари, жаҳондаги бошқа кўп тилларда бўлмаган «о» унли фонемаси ҳам мавжуддир. Инглиз тилининг АҚШ адабий вариантыда ҳам шу универсал унли фонемага ўхшаш урғусиз «Э» формаси ва дифтонглар мавжуд. Шу сабабли ҳам бу иккинчи тилни ўқитишда унли фонемаларни қиёслаш, ташқи жиҳатдан ўхшаш бўлган i,e,a,u каби товушларни қиёслаб, муқобилларини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда муқобил атамасини шартли равишда қўллаймиз, чунки ҳеч қайси тилнинг фонологик системаси бошқа тилда айнан қайтарилмайди. Яъни, қиёсланаётган муқобил формалар тилларда топилади, лекин уларни умуман ўхшаш дейиш қийин. Чунки ҳар икки тилдаги фонемалар ташқи жиҳатдан ўхшаса ҳам, ҳар бирининг фонемалар системасидаги ўз ички алоқалари, зидликлари, фарқланувчи ва фарқламовчи аломатлари бор. Шу жиҳатдан ҳам фонетик ва фонологик қиёслаш фарқланиб, биринчисида бирор фонемани намоён этувчи товушнинг талаффузига эътибор берилса, иккинчидан умуман, тилдаги фонемалар системасида мавжуд алоқалар, зиддиятлар ва фарқланиш белгиларига эътибор берилади. Фонетик қиёслаш–кўпроқ хорижий тил талаффузига амалий ўргатиш билан боғланади. Фонологик қиёслаш – эса

тилларнинг фонологик системалари кандай тузилгани, уларнинг муносабатлари ва тилнинг (фонологик) бошқа сатҳлари морфология, грамматика, лексика ва стилистика билан боғланиш жиҳатларини ҳам қамраб олади. Шунинг учун бу қиёслаш кўпроқ назарий аҳамиятга эгадир. Албатта, фонетик ва фонологик қиёслашлар бир-бирини тўлдиради ва ўзаро ёрдам беради, бунда тилнинг ифода ва мазмун томонлари, ундаги парадигматик ва синтагматик муносабатлар ўз аксини топади.

Фонетик қиёслаш айрим товушларнинг талаффузидаги ўхшаш ва фарқли аломатларни топишга қаратилган бўлса, фонологик қиёслаш фонемалар системасидаги структурал ўхшашлик ва фарқланишларни кўрсатади. Шунинг билан бирга, фонологик қиёслаш фонемалар системасидаги амалий жиҳатдан хорижий тилни ўрганиб олишда тўсиқ бўлувчи унсур (интеграция)ни аниқлаб, уни талаффузга ўргатиш жараёнида бартараф этиш йўллари таклиф этади.

Тилларни фонологик қиёслаш ифода ва мазмун ўлчовлари доирасида бўлиб, кўпроқ тилнинг ифода жиҳатига эътибор беради ва ўз назарий хулосалари билан талаффузга амалий ўргатишнинг фойдали йўллари тушунтириб беради. Унли фонемаларни қиёслаш (типология) таҳлилида бир мураккаб бўлимни ташкил этади ва у халқаро анъанавий қабул қилинган унлилар таснифидаги ҳолатига кўра белгиларига асосланади.

Мазкур битирув ишида инглиз тилнинг америка адабий вариантыдаги унли фонемалар системаси билан ўзбек адабий тили унлилар системаси қиёсий таҳлилига доир фикрлар баён қилинади.

Маълумки, инглиз тилининг британия адабий варианты унлилари ўзбек адабий тили унлилари билан экспериментал

фонетик ва фонологик жиҳатдан батафсил қиёсланган ва у ҳалигача ўз назарий ва амалий қийматини йўқотгани йўқ.

Бироқ инглиз тилининг ҳозирги даврда кенг тарқалган америка варианты фонологик системаси ва унинг бир қисми бўлган унли фонемалари билан қиёсланиши мақсадга мувофиқдир.

Зеро, инглиз тилининг америка талаффузини ўзбеклар яхши ўзлаштириб олишлари, ўзаро мулоқот ва халқаро алоқалар учун фойдалидир.

Инглиз тилининг америка варианты унли фонемаларнинг миқдори ва баъзи талаффузи хусусиятлари ҳақида аниқ фикр мавжуд эмас.

АҚШ тилшуносларининг ўзлари ҳам бу адабий вариантдаги унли фонемалар сонини турлича кўрсатадилар. 11 тадан 16 тагача ётади, лекин инглиз тилининг британия вариантыдагидек 20-21 та эмас. Чунки бу ерда дифтонглар сони кескин қисқаради: британия вариантыда дифтонглар одатлар 8-9 та деб кўрсатиладиган бўлса, америка вариантыда улар 3-6 та эканлиги айтилади.

Инглиз тилининг америка вариантыдаги дифтонглар кўпинча унли, ярим уни (j, w) товушларининг бирикмаси сифатида каралади. Бироқ инглиз тили америка варианты унлиларининг талаффузинини чет элликларга ўргатиш мақсадида ёзилган ўқув қўлланмаларида 11-14 та унли фонемалар кўрсатилади. Инглиз тилининг америка вариантыда 14 та унли фонема (11 та оддий унли, 3 та дифтонг) си борлиги эътироф этилади.

Ўзбек адабий тилида 6 та унли фонема мавжуд бўлиб, у икки каторли (тил олди, тил орқа лабланмаган, лабланган), уч поғонали (юқори, ўрта, қуйи кўтарилиш) туртбурчак ҳолидаги системага эга эканлиги экспериментал-фонетик ва фонологик жиҳатдан асослаб берилган.



i	u
e	o
a	v

Бунда 6 та унлига эга бўлган тил кам учрайди. АҚШдаги Стенфорд фонология архиви материалларида 317 та тил ичида 6 та унлига эга бўлган тиллар 43 та эканлиги (13/16%) қайд этилган. Одатда бундай 6 та унли фонемага эга бўлган тиллардаги унлилар бир-биридан кескин фарқланади. Геометрик жиҳатдан ўзбек тили унли фонемалари туртбурчак шаклда ифода қилинса, инглиз тилининг британия ва америка вариантларидаги унли фонемалар кўпинча трапеция шаклида кўрсатилади. Бу инглиз ва ўзбек тили унли фонемалари ташқи жиҳатдан анча фарқланишини кўрсатиб туради. Улар ўртасидаги ички фарқланишлар яна ҳам кўпроқ бўлиб, унлиларнинг сифат ва миқдорий (чўзиқ-қиска) белгилари сони қиёслангандан (1-босқичдан) сўнг, фонемалар (2-босқич), уларнинг вариантлари (аллофонлари) аниқланади. (3-босқич) ва фонема ҳамда аллофонларнинг қўлланиш ҳолатлари (дистрибуцияси) (4-босқич) кўрсатилади. Кейин эса ҳар икки тилдаги фонемалар ўртасидаги зиддиятларнинг кўп ёки ҳам учраши (частотаси) (5-босқич) қиёсланади. Демак, фонологик қиёслаш кўрсатилган зиддиятларнинг кўп ёки кам учраши қиёсланади. Демак, фонологик қиёслаш кўрсатилган беш босқични камраб олади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, фонемалар ва уларнинг аллофонларини (2-3 босқичлар) аниқлашдан мақсад бир тилдаги фонема иккинчи тилдаги аллофонга тўғри келиш ҳолларини аниқлашдир. Жумладан, инглиз тилининг америка вариантыда чўзиқ (*i*) ва қиска (*i*) фонемалари мавжуд. Бундай фонемалар ўзбек тилида йўқ. Ўзбек тилидаги фонема қиска ҳам чўзиқ ҳам эмас,

уларнинг ўртача даражада. Лекин сўздаги турли ўринларда урғу ёки буғиндаги ҳолати таъсирида чўзиқ ёки қисқа бўлиши мумкин, яъни урғули бўғинда чўзиқ, урғусиз бўғинда қисқа ёки очик бўғинда чўзиқроқ, ёпиқ бўғинда қисқароқ талаффуз этилади. Бинобарин, ўзбек тилидаги унли фонемалар чўзиқ ва қисқа аллофонларга эга.

Унли товушларнинг талаффузи анча ўзгарувчан бўлгани туфайли, уларнинг нутқда қўлланиши жиҳатларини чуқур ўрганиш зарур.

Тилнинг фонологик системаси фонемалар ўртасидаги зиддият (оппозициялар) пойдеворига қурилган бўлиб, унда ҳар бир фонеманинг ўз ўрни ва вазифаси бор ҳамда бир фонема бошқа фонемага қарама-қарши қўйилиб, сўз ва морфемаларни фарқлашга хизмат қилади. Инглиз тилининг америка вариантыда унли фонемалар уч аъзоли зиддиятларга эгадир.

Улар тил олди-тил ўртатил орқа қатор унлилари ўртасидаги зиддиятлардир. Мантиқий жиҳатдан бу зиддиятларни қулайлаштириш учун ҳар бир зиддиятларни ички фонема ўртасида олиб қараш, яъни бинар ёки дихотомак шаклда бериш мумкин. Унда бу зиддиятлар тил олди-тил орқа, тил олди-тил ўрта шаклида келади. Тил олди-тил орқа қатор унлилари зиддиятларига (*i-u*), (*i-u*), (*e-o*), (*a-o*) лабнинг иштироки ва иштирок этмаслиги зиддиятлари ҳам қўшилиб кетади. Ана шундай икки фарқланиш белгисига асосланган зиддиятлар ўзбек тили унлиларига ҳам хосдир:

(*i-u*), (*e-o*), (*a-o*)

Инглиз тилининг америка вариантыда (*a-ə*) ўрта қатор унлилари мавжуд эканлиги тил олди ва тил орқа унли

фонемаларига қарама-қарши қўйишга асос бўлади: (i-a), (o-a) кейинги (o-a)да лабнинг ҳолати бўйича зиддият ҳам берилган.

Шуни таъкидлаш лозимки э унлиси нейтрал бўлиб, талаффузи ноаниқ, доим урғусиз ҳисобланади ва шу сабабли уни бошқа ургули фонемаларга қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Шунингдек, инглиз тилининг британия ва америка вариантларида (I) ургули ва урғусиз ҳолатда учрагани сабабли, икки аллофонга эга. Урғусиз (i) нафақат урғусиз (ə) га қарама-қарши қўйиш мумкин.

Effect [I'fekt] – натижа, –affect [ə'fekt] – таъсир қилмоқ.

Excerpt – бошқа асепт – қабул қилмоқ

[I'ksept]                    [ə'ksept]

Тилнинг кўтарилиши даражасига асосан ҳар икки тилдаги унлиларнинг зиддиятлари ҳам уч поғонали: Юқори (ёпик) – ўрта (ярим очик) – қуйи (очик) шаклида берилади. Уларни ҳам ёпик-очик, ёпикқ ярим очик, очик-ярим ёпик бўлган бинар ҳолатга келтириш мумкин. Унда инглиз тилининг америка вариантыда унлилар (i-e), (e-x), (i-x), (a-x), (u-o) зиддиятларини ташкил этади.

(i-e), (i-x), (u-o) ларда чўзик-қисқа қўшимча зиддиятли ҳам бўлади. Тарихий жиҳатда инглиз тили британия вариантыда 4 та чўзик-қисқа унли фонемалар жуфтлар мавжуд бўлса (i-I, u-u, o-o, A-a) америка вариантыда улар иккита (i-I), (u-u) жуфтлари ва алоҳида жуфтсиз (o) чўзик унли мавжуд. Талаффузга ўргатиш жараёнида чўзиклик, қисқаликнинг фонологик белги эмаслиги ўзбекзабон ўқувчилар учун анча қулайлик тўғридари. Лекин инглиз тилининг америка вариантыда дифтонглар борлиги (x-a, x-e, e-ei) каби фонемалар зиддиятларини фарқламаслик ҳоллари ўзбекларда кўпроқ учрайди. Ўзбек адабий тилида унлилар тилнинг кутарилиш даражасига кура қуйидагича бинар (ёпик-очик, очик-

ярим очик, ёпиқ-ярим очик) зиддиятларни ташкил этади: (а-е) (u-o), (u-o), (o-o).

Лабнинг ҳолатига кўра инглиз тилининг америка вариантыдаги тил орқа унлиларнинг барчаси лабларган (u,v, o). Лекин бу вариантда тил орқа унлиларнинг талаффузига бу белги фонологик эмас. Ўзбек тилида эса лабланган-лабланмаган белгиси тил-олди, тил-орқа белгилари билан эгизак, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, яъни Н.С.Трубецкой айтганидек, эквивалент оппозицияни ташкил этади.

Инглиз тилининг америка варианты унлиларига хос яна бир хусусият шуки, одатда чўзиқ унлилар кучли ва нокескин (unchecked, free), қисқа (checked) талаффузи билан ажралиб туради. Бу хусусият ўзбек тили унлиларига хос эмас. Шу сабабли ўзбек ўқувчилари бу аломатни эшитиб ҳис қила олишлари учун кўпроқ, чўзиқ-қисқа, кучли-кучсиз, нокескин-кескин фонемалар зиддиятларини фарқлай олишлари учун кўпроқ машқлар зарур.

Инглиз тили америка вариантыда ўргатишда, дифтонгларнинг борлиги ҳам талаффузга ўргатишда алоҳида эътибор талаб қилади. Чунки ўзбек тилида дифтонглар йўқ, лекин уларга яқинроқ унли-ярим унли бирикмалар мавжуд; най, давлат, лой каби.

Юқоридаги таҳлил кўрсатадики, икки тилдаги унли фонемалар сони, сифати ва миқдорий белгилари, лабнинг ҳолати ва бошқа қўшимча белгилари билан кескин фарқ қилади. Инглиз тилининг америка варианты унлилари ўртасидаги фонологик зиддиятлар ўзбек тилидаги икки-уч баравар кўп бўлиб, фарқланиши ва фарқланмокчи белгилари ҳам ўзига хосдир. Бу назарий хулоса асосида талаффузга ўргатиш жараёнида унли фонемалар ўртасидаги зиддиятларни ҳисобга олган ҳолда машқлар тузиш, ўқувчиларда фонемаларни эшитиб, фарқ қилиш қобилиятини

ривожлантириш, бинобарин, аудио ва видео тасмаларга ёзилган матнларни кўпроқ эшитишга одатлантириш зарур.

## **2.2. Инглиз тилидаги ўзбек тилига ўзлашган сўзларда фонетик ўзгаришлар ва уларнинг ёзувдаги ифодаси**

Халқаро муносабатларнинг яхшиланиб бориши, халқлар уртасида узаро ҳамкорликни тобора йулга куйилаётганлиги фантехника, иқтисодий, сиёсий, кишлоқ хужалиги, спорт соҳаларида юз бераётган янгиликларнинг баҳам курилаётганлиги, савдо сотик учун катта имкониятлар яратилаётганлиги, компьютер технологияси, электрон почтанинг ривожланиб бораётганлиги ва ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги, оммавий ахборот воситаларининг жаҳонда бўлаётган турли хилдаги ахборотларни халқ оммасига тезлик билан етказиб берилаётганлиги каби қатор факторлар тиллараро сўз алмашинув жараёнини, аниқроғи, бир тилдаги сўзнинг иккинчи бир тилга ўтиши тобора тезлаштираётганлиги. Бунга инглиз тилидан турли даврларда ўзбек тилига ўтиб қолган сўзларни мисол қилиб кўрсатса бўлади. Инглизча сўзларнинг ўзбек тилига ўтиш жараёнини уч даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр 1917 йилгача бўлган давр, иккинчи давр 1917 йилдан 1991 йилгача бўлган давр реки советлар даври, учинчи давр мустақиллик йиллари, яъни 1991 йилдан ҳозиргача бўлган давр. Биз тўплаган мисоллар ва уларнинг таҳлили шундан далолат берадики, инглиз тилидан ўзбек тилига кучган сўзларнинг асосий қисми иккинчи даврга тўғри келади ва уларнинг ҳаммаси рус тили орқали ўзлашган. Биринчи даврда бошқа герман тилларидан, жумладан, немис тилидан кириб қолган сўзлар бор, бироқ инглизча тўғри келадиган инглизча сўзлар учрамади. Учинчи даврга тўғри келадиган инглизча сўзлар анчани ташкил этади. Бу сўзлар ҳам иккинчи давр сўзларига ўхшаб рус тили орқали ўтган. Шундай қилиб, инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзларнинг ҳаммаси ҳам билвосита-рус тили орқали ўзлашган сўзлардир.

Бошқача қилиб айтганда, инглиз тилидан ўзбек тилига кўчган сўзлар аввало рус тилининг ўзига хос конун-қоидаларига бўйсуниб, унинг фонетик, орфоэпик ва грамматик нормаларини қабул қилган. Рус тилидан ўзбек тилига ўзлашганда эса сўзлар русча ўзгаришлар устига ўзбек тилига хос ўзгаришларни ҳам олган. Кўриниб турибдики, инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзлар икки жараён ва ҳолатни бошдан кечирган: аввало рус тилида, ундан кейин эса ўзбек тилига маълум ўзгаришларга дуч келган. Шунини айтиш ўринлики, инглиз тилидан рус тилига ўзлашган сўзларнинг ҳаммаси ё транскрипция ёки транслитерация усули орқали қабул қилинган. Шунга кўра уларнинг бир қисми ўз ҳолича, ўзгаришсиз қабул қилинган, иккинчи бир қисми эса турлича фонетик, орфоэпик, грамматик ўзгаришларга йўлиққан.

Инглиз тилига мансуб сўзларнинг рус тили орқали ўзбек тили луғат таркибига кириб келишга назар ташласак, уларда анча ўзгариш ва мослашишлар юз берганининг гувоҳи бўламиз. Бу ўзгариш ва мосланишлар қуйидагича кўринишга эга:

1. Ўзлашмалардан фонетик ўзгаришлар;
2. Ўзлашмалардаги морфологик ўзгаришлар;
3. Ўзлашмалардаги семантик ўзгаришлар;

Кейинчалик эса, яъни 1940 йилдан бошлаб, чет сўзларнинг имло ва талаффуз қоидалари рус тилидаги айтилиш ва ёзилиш шаклига ўхшатиш, яқинлаштириш, бир хиллаштириш сиёсати юргизилган, яъни қабул қилинган сўзлар рус тилига қандай шаклда бўлса, шундай шаклда ўзлаштириш тенденцияси пайдо бўлган, тараққий этган ва мустаҳкамлана борган.

Кўриниб турибдики, чет сўзлар, жумладан, инглизча сўзлар ҳам рус тили нормаларига хос қандай қабул қилинган бўлса, бошқа кардош тилларга ҳам зурма-зураки қабул қилинган.

Ана шу давр инглиз тиилдан рус тилига ва шу орқали ўзбек тилига ўзлашган сўзларни ўзгаришларга учраган ва учрамаганини ҳисобга олиб, биз уларни қуйидаги гуруҳларга бўламиз;

1. Имло ва талаффуз бир хил, бироқ урғу ўрин бошқа-бошқа сўзлар:

<b>Инглизча</b>	<b>Русча</b>	<b>Ўзбекча</b>
Block	Блок	Блок
Ring	Ринг	Ринг
Lift	Лифт	Лифт
Lint	Линт	Линт
Test	Тест	Тест
Tennis	Теннис	Теннис

2. Имлоси ўхшаш, талаффузи ҳар хил, урғу ўрни ҳам бошқа-бошқа сўзлар (1).

'Sport	[sɒ:t]	спорт	спорт
Park	[pɑ:k]	парк	парк
'Bar	['bɑ:]	бар	бар
'Laser	['leɪsə]	лазер	лазер
'Lotter	['rɒl]	роллер	роллер
'Tanker	[tɑŋk]	танкер	танкер

3. Имлоси ҳам, урғуси ҳам, талаффузи ҳам ҳар хил сўзлар:

'Super	[ʃaɪpə]	снайпер	снайпер
'Sweater	['snaɪpə]	свитер	свитер
'Freezer	['swɪtə]	фрезер	фрезер
'Scraper	['skreɪpə]	скрепер	скрепер

---

1. Ақобиров С.Ф. «Баъзи интернационал сўзларнинг имлоси ҳақида», Тошкент. «Ўзбек тили ва адабиёти» 1971 № 2, 43-бет.



4. Имлоси ҳар хил, урғу урни бошқа-бошқа ўқилиши эса ўхшаш.

'Safe	сейф	сейф
'Combine	комбайн	комбайн
'Time	тайм	тайм
'Racket	рекет	рекет

5. Инглиз тили нутқ товушларида мавжуд бўлиб, рус тилида йўқлигидан, уни ўшанга яқин ёки ўхшаш товушлар билан қабул қилинган сўзлар, бу ҳолат «h» (x) ундош товушли сўзларда учрайди.

Hockey	хоккей	хоккей
Hobby	хобби	хобби
Hooligan	хулиган	хулиган

Шуниси қизиқки, бу товуш ўзбек тилида ўз эквивалентига эга. Бироқ, бу сўзлар рус тили орқали ўзлашгани сабабли «x» ўрнига «ҳ» қўлланган. Ўйлаймизки, давлат мақомига эга бўлган ўзбек тилида бу ундош товуш ригинал тилдагидек ёзиладиган ва уқиладиган бўлади.

Баъзан «h» ундоши жарангсиз «г» товуши билан берилган:

<u>H</u> andball	гандбол	гандболл
<u>H</u> amlet	гамлет	гамлет
<u>H</u> ighmare	гайморит	гайморит
<u>H</u> idrolife	гидролайф	гидролайф

Айрим ҳолларда эса «h» (x), «Ю» товуши билан алмаштирилган.

Lumour	юмор	юмор
Lumorist	юморист	юморист
Computer	компьютер	компьютер

### 2.3. Инглиз ва ўзбек тилларида «бош» лексемаси иштирокидаги фраземаларни ўргатиш орқали ёзма нутқни ўстириш

Фраземалар тилдаги кўчма маъно ифодалаш орқали яхлитланган бирликлар ҳисобланади. Кўчма маънолар матефора, метонимия, синекдоха ва бошқа стилистик воситалар ёрдамида юзага келади.

Инглиз ва ўзбек тиллари лексикаси сўзларнинг кўп маънолиги билан ажралиб туради. Бунда маъно кўчиш ҳодисасининг ўрни катта. Кундалик ҳаётимизда кўп маъноли сўзлар атрофимизни ўраб тўрган табиат, нарс ва ҳодисаларни ифодалаб, матнни, нутқимизни ранг-баранглаштиради, уларга жонли тус беради. Масалан, одам, одам танасининг барча аъзолари жуда кўп кўчма маъноларда ишлатилади. Ҳар иккала тилда ҳам «бош» сўзи билан боғлиқ юзлаб ибораларга дуч келиши мумкин. Маслан, ўзбек тилида бошим айланди, бошимга келди, бошимда ёнғоқ чақди, беҳуда гаплар билан бошимни оғритди, бошини йўқотиб қўйди.

Инглиз тилида: *my head swims* – Бошим айланди; *it came to my head* – Миямга келди; *he hit the nail on my head* – бошимга ёнғоқ чақди; *he caused me a headache by nonsense* – у беҳуда гаплар билан бошимни оғритди; *he lost his head* – у бошини йўқотиб қўйди.

Одам тана аъзоларидан, айниқса, «бош» иштирокидаги иборалар солмоқлидир. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «бош» сўзи қатнашадиган 60 дан ортиқ иборани кузатиш мумкин.

«Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғатида» 93 шундай ибора мавжуд[1, 136-138].

-----

1. «Ўзбек тили изоҳли луғати» 1961 й. 136-138 бетлар

Агар луғатда келтирилган «бош» сўзи иштироқидаги вариантларни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг сони 150 тага етади.

И.Р.Гальпериннинг икки томлик «Большой англо-русский словарь»нинг (Москва 1979) 1 том 637-641 бетларида ва «Webster's College Dictionary» (New York) нинг 615-645 бетларида «бош» «head» нинг 200 га яқин кучма маънолари бор.

Хўш, неча «бош» сўзи иштироқидаги иборалар ҳар иккала тилда ҳам миқдори кўп?

Ушбу саволга жавобни «бош» тушунчасининг бутун-ном ва бўлак-ном сифатидаги моҳиятидан қидириш лозим.

Маълумки, «бўш» бутунном ва бўлакном сифатида ажратилиши мумкин. Фалсафада бутун ва бўлак айрим ҳолларда бир-бирини тўла алмаштира олиши хусусиятига эгаллиги ҳақидаги карашлар кенг тарқалган.

Биз сўз атаётган ҳолда ҳам «бош» одам бутунлигининг бўлаги ва ўзи алоҳида бир бутунлик бўла олади.

Шунинг учун «бош» баъзан ўз бўлаги ўрнида ҳам ишлатилиши мумкин.

Бунда бутунни бўлак билан ва бўлакни бутун билан ифодалаш, яъни синекдоҳа орқали маъно кўчиши юзага келади.

Чунончи, «бошида ёнғоқ чақмоқ», «бошидан ўтказмоқ», «боши ғовлаб кетди», «бош қотирмоқ» каби ибораларда бош- «тананинг бўйнидан юқори (одамда) ёки олдинги (ҳайвонларда)» қисми, «калла» (1,136) маъносини эмас, балки биринчи ибораларда «тепа» қолганларида эса «мия» кабиларни ифодалаган.

---

1. «Ўзбек тили изоҳли луғати» 1961 й. 637-641 бетлар

«Бош» сўзи ифодалайдиган ундан ортиқ маънонинг ҳар бири иборалар ажратиш учун насос бўлган олади.

Масалан, «бошига тушган», «бошдан кечирилган», «бош оғритмоқ» (одам таъна аъзоси маъносида) «бош билан кириб кетмоқ».

Шуни қайд қилиш керакки, «бош» сўзи ҳар иккала тилда ҳам ибораларда:

«ақл» - wise,

head – мия – wooden head,

одам – crowned heads,

раҳбар – Head man, head waiter,

the head of the angry,

the head of the family,

the head of the department,

раҳбарнинг жойи – head – quarters.

Бирор нарсанинг боши, юқори қисми:

– head of a pin,

– head of a hammer,

шахс ёки ҳайвон сони:

– a dinner at 20 a head,

– ten heads of cattle,

инқирозга учрамоқ – to bring matters to a head,

суюқлик устидаги кўпик – the head on beer,

сабзавотлар,

масалан, бир бош узум – a head of grapes,

бир бош қарам – a head of cabbage каби маъноларда ишлатилади.

«Бош» сўзининг ўзбек ва инглиз тилларида кўчма маъноларда ишлатилишини кўрамиз.

	<b>Ўзбек тилида</b>	<b>Инглиз тилида</b>
Мия маъносида	Боши қотди Боши шишди Боши ғовлади	To lose one's head To cause a headache
Одам маъносида	Бош бола Бош қўймоқ Бош қўшмоқ Боши чикмайди Бошига чикмоқ	A woden head A hat heat A wise head A head man
Ақл маъносида	Боши яхши ишлайди Бош билан ишлайди Унинг боши йўқ Дўст бошга боқар душман оёққа	To be out of one's head
Раҳбар маъносида	Сув боши Бош агроном Бошлиқ Аскар боши Оила боши Иш боши	Headman
Раҳбарнинг жойи	Университетнинг бош биноси	Head quarters Head department od the Army
Бирор нарсанинг олдинги	Поезднинг боши	Head of procession Head procession Head of a ship

ТОМОНИ		
Бирор нарсанинг боши юқори қисми	Сувнинг боши Йўлнинг боши Хат боши Боши ўтган	Head of a pin Head of a page Head of a hammer Headline
Шахс ёки хайвон сони	Киши бошига Жон бошига Ўнбош қорамол Бешбош қўй	A dinner a \$ 20 a head Ten heads of cattle
Инқирозга учрамоқ	Бошини еди Бошига етди	To bring matters to a head
Сабзавот номлари билан	Бир бош узум Бир бош карам	A head of grapes A head of cabbage
Лексемалашг ан фраземалар	Бошимга урамани? Боши қоронғи хотин Бир ёқадан бош чиқариб Боши кўкка етди	To give one's head for the washing To keep one's head above water To make head against To show one's head

«Бош» сўзи ҳар иккала тилда снекдоха йўли билан кўчма маънода, яъни бутун ўрнида қисм, қисм ўрнида бутунни ифодалаш учун ишлатилади.

Юқоридаги мисоллардан «бош» сўзининг инглиз ва ўзбек тилларида ҳар хил кучма маъноларда ишлатилишини кўрамиз.

## 2.4. Ёзма нутқни ўстиришда анимативлик лексикасининг баъзи хусусиятларини ўргатиш муаммоларига доир мулоҳазалар

Тилшуносликнинг тил ўқитиш методикаси билан боғлиқ бўлган энг муҳим назарий муаммоларидан бири тил ўқитиш тизимининг аниқлашдир. Бунда бир-бирига боғлиқ эканлиги, балки ҳар бир ўзаро боғлиқ эканлигини ҳисобга олиш керак.

Ҳозирги кунда чет тилларни ўқитишнинг бундай тизимини аниқлашда фақат тил бирликларигина эмас, ҳам ўзаро бир-бирига боғланиши ва таъсирини кўзда тутиш керак бўлаяпти. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳозир тилнинг ички тузилишини ҳисобга олиш билангина эмас, балки унинг функционал-семантик аспектига назарда тутиш ҳам кунда лингводидастиканинг тармоқлараро алоқаларида функционал-семантика жиҳатдан энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ушбу малакавий битирув ишимизда юқоридаги масалаларни анимативлик (рус тилидаги «одушевленный» атамасига мос келади) категорияси мисолида кўриб чиқамиз, чунки бу тушунча тилшуносликнинг ҳозирги босқичида энг муҳим лексик-грамматик категориялар баъзи бир олимлар жинс тушунчаси сифатида ёндашса, бошқалари грамматик род категорияси ушбу деб ҳам карашмоқда. Ушбу фикр кўпроқ инглиз тилларда, хусусан ўзбек тилида род категорияси йўқ ҳисобланади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, анимативлик маъноси грамматик род категорияси бўлган ва бўлган гап тилларда ҳам бир хилда намоён бўлади. Демак, бу категория барча тиллар учун хос универсалдир. Аммо бу маънонинг ифодаланишида фарқ бор. Тил ўқитишда ана шу фарқни эътиборга олиш зарур. Масалан, рус тилида субстантивлик кто? что? сўроқ олмошлари билан ифодаланиб, анимативлик ёки иманимативлик маъносини

англатади. Демак, отларнинг бу иккала тил тизимидаги таснифи лексик-семантик тамойилга асосланади. Рус тилида родительный ва винительный келишикларида анимативлик-иманимативлик парадигмалари алоҳида бўлса, ўзбек тилида бундай ҳол мавжуд эмас. Бу нарса рус тилини чет тили сифатида ўрганиш жараёнида, шунингдек, лексикани таснифлашда муайян қийинчиликларни вужудга келтиради.

Анимативлик тушунчаси тилларнинг турли тармоқлари бирликларининг иштироқида ифодаланувчи категория сифатида фойдаланишни тақозо этади, чунки бу зидлик асосида бир-бири билан ўзаро чамбарчас ҳамда синтактик воситалар мавжуд. Булар биологик жинс категорияси билан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қилади.

Ушбу тушунчанинг семантик таркибий қисмлари очикдан-очик эмас, балки махфий ифодаланиш хусусиятларига эга. Шунинг учун анимативлик масаласига уч нуктаи назардан, яъни структур тузилиш, маънавий хусусиятлар ва функционал асосда ёндошиш лозим бўлади.

Анимативлик категориясининг қандай усул билан ифодаланиши у ёки бу тилда маънавий хусусиятларнинг ифодаланишига у ёки бу тилда маънавий хусусиятларининг ифодаланишига таъсир этади. Шунга қараб, жумладан, сўз ясашда қайси усул (аффиксация ёки композиция) етқачи эканлиги аниқланади; тил ўргатишда эса икки тил (она тили ва ўрганилаётган)нинг ясовчи воситалари ва ясалаиш моделлари қиёсланади.

Инглиз ва ўзбек тилларида анимативлик маънога эга бўлган аффиксларининг деярли ҳамма махфий (имплицит) ифодаланиш усулига эга. Ошкор (эксплицит) ифодаланиш инглиз тилида



муваққат кўрсатишдан иборат бўлса, туркий тилларда эса бундай хусусият умуман учрамайди. Иккала тилда ҳам отлардаги анимативлик маъносини ифодаловчи зидловчи аффикслар мавжуд эмас. Бу маънони юзага чиқарадиган бошқа қўшимчалар йўқ. Шунга кўра, отларни жинс жиҳатдан ажратиш эҳтиёжи ҳар бир тил гуруҳига хосдир. Мана шундай ҳолларда анимативлик тушунчаси тилнинг бошқа воситалари орқали берилади ва ушбу маъно лексик-грамматик жиҳатдан, шу жумладан аффиксация ва композиция йули билан ифодаланади.

Шунинг учун ҳам анимативлик тил сатҳларида лексика ва грамматика туташадиган ўринларда намоён бўладиган категориал тушунчалар сирасига кирази бунда лексика ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Масалан:

Инглиз тилида: son, girl, boy, sawball, sheep;

Ўзбек тилида: опа, ака, қария, той-тақа, кўзи

Рус тилида: мать, отец, сын, кот, петух, баран кабилар

Этниматик маъно турли усуллар билан ифодаланиши мумкин;

Масалан:

### **1. Аффикслар ёрдамида:**

инглиз тилида:

- er (reader, speaker);

– or (operator, rector); - ist (linguist, jurist)

– ee (employu, addressee); - ess (actress, loiness)

Ўзбек тилида: - чи (ёзувчи, ўқувчи),

- дош (синфдош, қариндош);

- шунос (тилшунос, қонуншунос).

Рус тилида: - ка (москвичка, внучка);

- ица (львица, царица); - их (а) (повариха, пиовичка); -есс (а) (поэтесса, варонесса);

## **2. Префикслар ёрдамида.**

Инглиз тилида:

non (non summer, non believer);

anti (anti hero);

co (co-sponser, co-author);

mer (mer-maid)

## **3. Композиторлар (қўшма сўзлар) ёрдамида инглиз тилида:**

a green goose, human beings, a mad man (1);

Ўзбек тилида: ошпаз хотин, ҳамшира қиз, она бўри, урғочи бузоқ ва ҳоказо.

Юқоридаги мисоллардан англатиладики, анимативлик категориясининг ифодаланишида турли тиллардан фарқли улароқ бир қаторда бир хиллик ҳам мавжуд.

Анимативлик категориясининг хусусиятларини ўргатиш жараёнида турли хил дидактик ўйинлардан ҳамда коммуникатив машқлардан фойдаланиш мумкин.

---

1. Барноҳўжаева Х. ва бошқалар. «English» Тошкент «Ўқитувчи» 1978, 8-бет.

## Хулоса

Кўпинча ёзма нутқ тор маънода фикрни ёзма баён қилиш деб тушунилади.

Аслида эса ундай эмас. Ёзма нутқ фаолиятларининг турларидан иборатдир, ёзув эса ёзув техникаси ва фикрни ёзма баён қилишдан иборатдир.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, икки тилдаги унли фонемалар, сони, сифати ҳолати ва бошқа кўшимчалари билан кескин фарқ қилади.

Инглиз тилининг америка варианты унлилар ўртасидаги фонологик зиддиятлар ўзбек тилидагидан бўлиб икки ўз баробар кўп бўлиб фарқланиш ва фарқланмовчи белгилари ҳам ўзига хосдир.

Бу ҳозирги хулоса асосида талаффузга ўргатиш жараёнида унли фонемалар ўртасидаги зиддиятларни ҳисобга олган ҳолда машқлар тузиш ва ўқувчилар уларни эшиттириб фарқ қилиш қобилиятини ривожлантириш, бинобарин аудио ва видео тасмаларга ёзилган матнларни эшиттиришга одатлантириш зарур.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, чет тилини ўрганиш, она тилимизни эсдан чиқариш ҳисобга бўлмаслиги лозим деган эдилар биринчи президентимиз И.А.Каримов ўзларининг «Баркамол авлод

– Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли асарларида[1, 98].

Ёзув техникаси ва имло кўникмаларини шакллантиришда диктантлардан кенг фойдаланганда кўзланган мақсадга эришган бўламиз.

Уларнинг энг кўп тарқалган турларидан бири ўқувчиларга эшитиб ёздириладиган диктантдир.

Диктантнинг мазмуни ўқувчилар учун қийин бўлмаслиги керак. Акс ҳолда кўзлаган мақсадга яъни ёзиш техникасини ўқувчида такомиллаштиришга эришишга қийинчилик туғдиради.

Ёзма нутқни шакллантиришда янада машқларни баён, тасвирлаш, ҳикоя қилиш, иншо ёзиш каби турларидан кенг фойдаланиш мумкин.

Умуман бугунги кунда республикамиз ривожланган мамлакатлар қаторидан ўзининг муносиб ўрнини топишида болаларимизни хорижий тилларни ўрганишга қизиқтириш муҳим ва долзарблигини ҳисобга олиб ва юқорида келтирилган фактларда келиб чиққан ҳолда ёзув нутқининг хориж тилларини ўрганишларида нақадар зарур ва аҳамиятли эканлигини англаб олиш мумкин.

---

1. И.А.Каримов. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори»

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуазизов А. ва бошқалар «Инглиз тили амалий фонетикаси». Тошкент «Ўқитувчи», 1995, 30-38 бетлар.
2. Ақобиров С.Ф. «Баъзи интернационал сўзларнинг имлоси ҳақида». Тошкент «Ўзбек тили ва адабиёти» Журнал, 1971 й. 2-сон, 43 бет.
3. Асфандиёров И.У. «Рус тилидан сўз ўзлаштириш билан боғлиқ баъзи бир масалалар». Тошкент. «Ўзбек тили ва адабиёти» Журнал, 1981 й. 5-сон, 3 бет.
4. Барноҳўжаев Х. ва бошқалар «English» Тошкент. «Ўқитувчи» 1978, 8-бет.
5. Гальперин И.Р. «Большой англо-русский словарь» Москва 1979 г.
6. Жуманиёзов О. «Ўзбек тили герман тиллари ўзлашмалари». Тошкент, «Фан», 1978, 38 бет.
7. Саидов Х.Х., Алимова М. «Инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзларнинг классификацияси ҳақида». Тошкент, «Ўзбек тили ва адабиёти» Журнал, 2003 й. 6-сон.
8. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» 2-томлик, 1-том, Москва 1981 й.
9. «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати», Тошкент, 1978 й.
10. Қиличев Б.Э. «Ўзбек тилида партонимияси». Тошкент 1996 й.
11. Пуленов Э.Р. «Фалсафа». Тошкент, 1996 й.
12. Қиличев Э.Р. «Ҳозирги ўзбек адабий тили». Бухоро 2001.
13. «Webster's College Dictionary» (New York, Kandom House, 1995)

14. Ҳошимов Ў.Ҳ., Ёқубов И.Я. «Инглиз тили ўқитиш методикаси». Тошкент «Ўқитувчи» 1997 й, 125-154 бетлар.

15. Хазкина Е.М. «Продуктивные способы словообразования в английском языке» 1953.

16. Шоабдурахманов Ш. «Ҳозирги ўзбек адабий тили». Тошкент, 1929 й.

17. Ҳожиёв А. «Ҳозирги ўзбек адабий тилида форма ясалиши», Тошкент «Ўқитувчи», 1979 й.

18. Lyuish В. «The structure of Modern English Leningrad 1971.

19. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. «Ўзбек адабий тили тарихи» Тошкент, «Ўқитувчи» 1998 й.

20. Исоқов У., Собиров В. Инглизча ўзбекча луғат. Тошкент «Янги аср авлоди» 2004 й.

21. Интернет: [www.krugosvet.ru](http://www.krugosvet.ru)

22. Интернет: [www.usingenglish.com](http://www.usingenglish.com)

23. Интернет: [www.referat.ru](http://www.referat.ru)

24. Интернет: [www.google.com](http://www.google.com)

Бухоро Давлат Университети  
Хорижий филология факультети  
Инглиз филологияси кафедраси

4 курс

талабаси \_\_\_\_\_ Н

инг \_\_\_\_\_

«\_\_\_\_\_»

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ » мавзусидаги

битирув малакавий ишига

Такриз

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

Илмий рахбар: \_\_\_\_\_

---

сана

Бухоро Давлат Университети  
Хорижий филология факультети  
Инглиз филологияст кафедраси

4 курс

талабаси \_\_\_\_\_

Н

инг

« \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ » мавзусидаги

битирув малакавий ишига

Такриз



---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

Такризчи: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ сана

Илмий Кенгашнинг 2011  
йилги 10-сон баённомаси  
билан тасдиклансин

**Бухоро Давлат университети**

\_\_\_\_\_ ф  
акультети

\_\_\_\_\_ таълим  
иуналиши

Битирувчиси \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ нинг

(ф.и.ш.)

“ \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ мавзусидаги битирув малакавий ишига ДАКнинг

**Хулосаси**

Бухоро Давлат Университети ДАК Олий ва урта махсус таълим вазирлиги  
БМИ ни бажариш ҳақидаги 31.12.98 йил 362-сонли буйруги билан  
тасдикланган низомига асосан қуйидагиларни аниқлади:

1. БМИ нинг хажм ва талаб буйича расмийлаштирилганлиги (меъёр: табиий йуналишлар-50 бетдан, ижтимоий йуналишлар - 50-60 бет(электрон вариант)дан кам булмаслиги керак): талабга жавоб беради - 10 балл, талабга қисман жавоб беради-7 балл, талабдан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд - 4 балл.
2. Мавзунинг давлат ва университет грант дастурлари асосида ёки долзарб муаммолар буйича танланганлиги: давлат дастурига кирган- 8 балл, грант лойихаси буйича - 7 балл, БухДУ дастури буйича-6 балл, долзарб муаммолар буйича - 5 балл.
3. Мавзу долзарблигининг асосланганлиги: етарли даражада асосланган - 5 балл, етарли даражада асосланмаган-3 балл, ноаниқ -2 балл.
4. Мақсад ва вазифаларнинг аниқ ифодаланганлиги: аниқ 7 балл, тулик аниқ эмас - 5 балл, аниқ эмас - 3 балл.
- 5.БМИ бажаришда илмий текшириш методларидан фойдаланганлик даражаси: тўла- 7 балл, қисман - 5 балл, етарли эмас-3 балл.
- 6.Олинган натижаларнинг янгилиги ва ишончлилиқ даражаси: натижа янги - 8 балл, илгари олинган - 6 балл, тўла ишончли эмас-3 балл.
- 7.БМИ нинг хулоса қисмида ишлаб чиқишга тавсиялар берилганлиги: бевосита ишлаб чиқишга тавсияси бор -6 балл, ижтимоий соҳада қўллашга (таълим, атроф-муҳитни химоя қилиш, маънавий-маърифий...) тавсия қилинган-5 балл, тавсия йук- 3 балл.
- 8.Битирувчининг мавзу буйича олинган натижаларини танкидий баҳоланганлиги даражаси: аниқ-8 балл, ҳула аниқ эмас - 6 балл, танкидий баҳоланмаган- 4 балл.
- 9.Ишнинг илмий характери: илмий тадқиқотлар асосида-8 балл, аралаш шаклидан-5 балл, рефератив характердан-3 балл.
- 10.Адабиётлардан фойдаланганлик даражаси: илмий-амалий журналлар, монография, етакчи олимлар асарларидан тўла фойдаланилган- 8 балл, илмий

адабиётлар кам фойдаланилган - 6 балл, факат дарслик, маъруза матнлари, укув қўлланма ва маълумотномалардангина фойдаланилган- 4 балл.

11 .Битирувчининг маърузасига баҳо: аъло -10 балл, яхши - 7 балл, коникарли - 6 балл.

12. Берилган саволларга жавоблари: тулик - 8 балл, урта - 6 балл, коникарли- 4 балл.

13. БМИ ни ташки такризчи томонидан бахоланиши: аъло-7 балл, яхши - 6 балл, коникарли - 5 балл.

14. БМИ га куйилган якуний балл

Бахоси \_\_\_\_\_

**Эслатма:** Хар бир балл буйича аниқланган баллнинг тагига чизиб белгиланади.

ДАК раиси \_\_\_\_\_

Ф.И.Ш

ИМЗО

Аъзолари \_\_\_\_\_

Ф.И.Ш

ИМЗО

Ф.И.Ш

ИМЗО

Ф.И.Ш

ИМЗО

(Мухр урни) «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2011 й.